

Сийрат дарслари (82-дарс). Жума энг афзал кундир



14:05 / 24.04.2020 4684

354. Авс ибн Авс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Албатта, жума энг афзал кунларингиздандир. Унда Одам халқ қилинган. Унда қабз ҳам қилинган. Унда нафх (пуфлаш) бор. Унда соъқа (қичқириқ) бор. Бас, унда менга саловотни кўпайтиринг. Албатта, саловотларингиз менга кўрсатилади»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга саловотларимиз қандай кўрсатилади, сиз чириган бўлсангиз?» дейишди. **Аллоҳ азза ва жалла анбиёларнинг жасадларини ерга ҳаром қилгандир»**, дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

355. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуёш чиққан куннинг энг яхшиси жума кунидир. Унда Одам халқ қилинди. Унда у жаннатга киритилди. Ўша кунда у ундан чиқарилди»**, дедилар».

Бошқа ривоятда: **«Қиёмат куни ҳам фақат жума куни қоим бўлади»** зиёда қилинган.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан